

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ  
ИНСТИТУТИ**

**РЕФЕРАТ**

**Мавзу: МИЛЛИЙ КУРАШ ТАРИХИ**

**Бажарди: ИМФ 2-курс  
талабаси Ҳақимов К.**

**Тошкент-2013**

## Режа:

- 1) *Кураш тарихи*
- 2) *Кураш миллатимиз ифтихори*
- 3) *Кураш дунё ареналарида*
- 4) *Хулоса*

*Хеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда  
дунёга машхур кила олмайди.*

*И.А.Каримов*

Кураш миллий қадриятимиз ҳисобланади. Урта Осиёда кураш номи билан аталувчи спорт тури қадимдан сақланиб келмоқда.

Кураш - аجدодларимизнинг энг қадимий мусобақаларидан бири эканлигига куплаб тарихий ва ашёвий далиллар топилмоқда. Академик А.Асқаров бу борада тасвирий аксга эга булган қатор археологик топилмаларни мисол келтиради: -3,5минг йил илгари яшаган Зардуштийларнинг сапол идишдаги тасфирий -кураш манзараси - бир-бирининг оёғини чалаётган пахлавоннинг олишуви; Бу спортнинг гўзал тури қадимдан шаклланиб келган. Ўзбек пахлавонлари бу хунарда Форс, Хиндистон, Туркия, Греция пахлавонлари билан беллашиб ғалаба қозонардилар. Ўзбек пахлавонлари орасида Махмуд пахлавон, Мухаммад пахлавон, Ахмад пахлавон, Тожи полвон, Нотаниш полвон деган полвонлар ўтган. Кураш миллий қадриятларимизни тиклайдиган бир асосдир. Кураш ҳақида бир қанча ривоятлар тарқалган. Масалан, Геродотнинг «Тарих» китобидаги «Тўмарис» афсонасида курашнинг Туронликлар ҳаётидаги ўрни таъкидлаб ўтилган. Унда ёзилишича, Тўмарис ўглини уйлантирмоқчи бўлибди у пайтлари тўйдаги курашда агар йигит, яъни куёв келини йикитса, яъни курагини ерга теккизса, тўй давом этаверар экан. Лекин Тўмариснинг ўгли Спарангиз эса, Заринани кўтаришга кутарибди-ю, лекин уни улоқтириб юборолмабди. Чунки у бунга уят деб ҳисоблабди. Хамма уни бошқача тушина бошлабди. Лекин унга фарқи йук экан. Учинчи мартасида эса, у кизни кўтарибди-ю, секин ётқизиб кўйибди. Бу аёлларга ҳурмат белгиси эди!

Шундай ривоятлардан яна бири пахлавон Махмуд ҳақида ҳам айтилади. Махмуднинг Дехдига сафари хинд халқининг миллий

байрамига тўғри келибди. Одатда, бундай айёмларда халк; сайллари, хар хил тамошалар мусобақалар уюштирилар экан. Махмуднинг шаҳар четидаги саройлардан бирига тушганини эшитган шоирлар, султонга хабар беришибди. Султон уни эртанги курашга иштирок этиши ва ёш сарой пахлавони билан беллашишни сўраб, одам юборибди. Махмуд ёш баходирнинг иззат-нафсига шикаст етказишни ўзига эп курмай, бу илтифотни рад этибди. Ўз марҳамати қабул қилинмаганини эшитган султон газаб отига минибди. Мулозимлар бу хабарни Махмудга етказиб, курашда иштирок этишини *утиниб* сурабдилар. У розилик билдирибди. Одатда бундай мусобақалардан олдин Махмуд улуғларнинг қадамжоларини зиёрат қилар экан. Уша кеча хам шаҳардаги қабристонни зиёрат қилиб юрса, бир аёл эрининг қабрини кучоқлаб: «Эй, Худо икки болам ва эримни олдинг, эртанги кун майдонда ёлғиз ўғлимнинг қулини баланд қилгин», деб нола чекаётган экан. Махмуд бу хотин султон саройидаги пахлавоннинг онаси эканлигини сезибди. Эртаси куни кураш майдонида Махмуд ўзини жуда заиф ва лапашанг қилиб курсатибди. Ёш баходир икки-уч даврандан кейин Махмудни чилпирак қилиб кўтариб урибди. Султон бу галаба шарафига катта зиёфат берибди. Тантаналардан сўнг хоким бошчилигида аркони давлат: барча хизматкорлар, меҳмонлар филларга миниб ўрмонга овга жўнашибди. Чангалзорлар орасида кетаётганида беҳосдан султон тахти равони ўрнатилган фил ботқоқда ботиб қолибди. Кўп уринишибди, филни лойдан чиқаза олиша олмабди. Шунда Махмуд хизматкорларга филнинг олдинги оёқлари орасини ковлаб бўшатишни буюрибди. Шундай қилишибди. Бўшлиққа катта бир кундани ташлабдилар. Махмуд ана шу кунда устига тушиб, фил оёқлари орасига елкаларини куйиб бир зарб билан икки оёғини ботқоқдан бўшатибди. Фил ўзини ўнглаб халокатдан қутулибди. Хамма меҳмонлар Махмуднинг қудратига офаринлар айтибди. Овдан сўнг яна бир зиёфат бошланибди. Гап орасида султон Махмуддан:

- Кеча майдондаги заифлигингиз билан бугунги жасоратингизни қандай тушунса бўлади?-деб сўрашибди . Шунда у:
- Эй, олий химмат султон! Бу йигит бир беванинг ягона фарзанди, истикболи порлоқ пахлавон, лекин хали тажрибасиз. Мен у билан олишиб, майиб қилиб умрига зомин бўлишни истамадим. Аммо сиз ғазабланганидан сўнг кураш тушишга розилик бергандим, - дебди.
- Тиланг тилагингизни, нима истагангиз мухайё қиламан - дебди султон.

- Менга ҳеч нарса керак эмас. Сизнинг зиндонларингизда икки юздан ортиқ юртдошларим асир экан, ўшаларни озод қилсангиз ватанимга бирга олиб кетсам, бас - дебди Махмуд.

Султон баходирга от-улов, сарполар берибди ва асирларни хибсдан бўшатибди. Махмуд ватандошлари билан Хоразмга қараб йул олибди.

Пахлавон Махмуд ана шундай жувонмард аждодларимиздандир. Халкимиз ўзининг буюк шоирини асрлар давомида авлиё деб улуглаб келди. Ўтган асрда биз эса, унинг бу улугланишига ҳасад кузи билан қараб, шоирни улуглаганларга маломат тошларини ёғдирдик. Уларни мутассибликда айблаб, ўзимиз эришолмаган ва эришолмайдиган даражадаги инсонни бу даражадан маҳрум қилмоқчи булдик. Бу ахвол инсон заковати мангулиги билан бир қаторда бу заковатга булган ҳасаднинг умри ҳам бокийлигини куратувчи аянчли бир далилдир. Вахоланки, авлиё деган сўз азиз-кадрдон, дўст деган мазмунларни беради. Эл ўзининг пешқадам фарзандларини якин дуст деб ардокласа, унда не айб?. Пахлавон Махмуд ўзининг ижодий, ижтимоий фаолияти ва бу фаолиятнинг муаянлиги ҳамда натижалилиги билан авлиёлик маснадига муносиб зот булган. Ул зот бу даражага ҳеч қачон тирмашмаган, бу даражадан ҳеч қачон тушмаган. Балки бундан-да барқарор, мангу сиймодир. Пахлавон Махмуд ўзини мискин ва ғарибларнинг оёғи остига ташлаб яшади.

Шу боисдан ҳам хукмдорларидан шоирнинг пойига дафн этишларини васият этиб, ватанимиздан элга қилган-қилмаган зулмлари учун мангу кечирим сураб ётибдилар. "Дунёда битта бахтсиз одам яшар экан, бошқалар ўзларини бахтиёр санашга ҳақли эмас". Бу фикр пахлавон Махмуд ва унинг маслакдошлари бўлмиш жувонмардийларнинг фаолиятидан келиб чиқадиган энг оддий ва энг ҳаққоний хулосадир. Шу боисдан ҳам шоир умумбашарий

бахтсизликнинг умри хали узоқ-узоқ булишини юрак-юракдан ҳис қилиб яшади. Буни ўз шеърларида акс эттирди. Шунинг учун ҳам бу серхасрат одам учун шахсий дард жаҳон дарди билан чамбарчас боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам бу тафаккур алпининг осойишта яшашини тасаввур қилиш ерни айланмай туришини кўз олдимизга келтиришдек, душвор бир юмуш эди. Пахлавон Махмуд учун бахтсизликни, бахт деб билиш содда ва синмас бир ҳақиқат эдики, бу ҳақиқатни теран ҳис қилиб ҳаёт кечириш унинг шеърлятига енгилмас бир дардмандлик бахш этган.

У Пахлавон лакқабини, "Қитолий" таҳаллусини олган. "Пурёйвали" яъни, курашда кураги ер курмаган, деб таърифланган. У ҳаётда мардлик, жасурликни, мухтожларга беминнат саховат

курсатиш, ўзи хеч нарса таъма қилмасликни тарғиб этган. Шарқда номи чикдан пахлавонларга устозлик қилган. Миллий кураш Ўзбек халкида йиллар давомида шакилланиб ривожланиб келган. Курашга Ўзбекистонда азалдан қизиқиб келганлар ва энди қизиқишлари янада ортиб бормоқда. Ҳозиргача бирон бир тўй байрам, тамошалар курашсиз ўтмайди. Хар бир ўзбек хонадонида курашнинг ўрни бўлакчадир. Айниқса Хоразмда, кураш кенг миқёсда ёйилган. Суннат туйларда туйдан бир кун олдин тўй эгаси туя, от, хўкиз, кўй, гилам, пул ютуқлари совринга кўйишади. Бунда, албатта, кураш булган, хар ерлардан пахлавон (полвон)лар келган. Курашда ғолибларга совғалар берилган. Ҳозирда Республикамизни барча вилоятлари аҳолиси орасида кураш шу даражада ёйилганки, у сиз хеч бир йиғинни тасаввур қилиб бўлмайди. Миллий курашимиз мустақилликга эришганимиздан кейин янада ривож топиб ўзлигини намоён қилиб Аждодларимиз пахлавон ва авлодлари хам шунга муносиб фарзанд бўлиб Жаҳонда олдинги ўрин сохиб ва сохибалари бўлиб келмоқдалар ва бу уз исботини бирин кетин уз исботини топиб келмоқда.

1992-йил бошида Президентимизнинг кураш жон қуярлигидан бири Комил Юсуповни қабул қилишлари курашимиз ривожига муҳим сана булиб колди.

Ўзбек курашининг спорт тури сифатида янада ривожлантириш дунё микёсида тарғибот ташвиқот ишларини олиб бориш хамда жаҳонга олиб чиқиш тўғрисида фикр мулоҳазалар Комил Юсуповда 1980-йилларда туғилганди. Шу йиллар давомида у номдор палвон сифатида Республикамизда ўтган тўйларда давра кураши тўрт та фаол иштирокчиси бўлиш билан бир вақтда миллий спортимиз анъанаси удумлари ва урф одатларини ўрганишга хам кизакарди. К.Юсупов миллий курашни жаҳон аренасига олиб чиқиш мумкинлиги тўғрисидаги ғояни илгари сурди. Бир нечча йиллик изланишлар натижасида яратилган янги қоидалар 1991-й 14-15 июнда чақирилган Ўрта Осиё ва Қозоғистон илмий конференциясида муҳокама қилинди. Икки кунлик қизгин мунозарадан кейин мазкур қоидалар хакам ва курашчиларнинг кийимлари тасдиқланди. Кураш қоидасига тамонларнинг "ижобий харакати асосан Халол, Енбош, Чала, атамалари билан баҳоланди"

Кураш гилами-

1. Хар бир мактабда кураш билан шуғулланиш учун махсус кураш зали ва кураш гилами мақсадга мувофиқдир. Кураш гиламининг энг кичик ўлчами 12x12 ёки 14x14 м, энг катта ўлчами эса 16x16 м

бўлиши шарт. Кураш гилами кизил яшил, кўк, ок ва оч яшил

материал билан копланеди.

2. Кураш гилами иккита майдонга бўлинади. Бу майдонларнинг ажратиб турадиган чизик «Хафли чизик» дейилади. У хар доим қизил рангда энига 1м булади.

3. Хафли чизик ичидаги майдон «хавфсиз майдон» дейилади ва энига 3 м булади. Энига 1 м ва 2 м бўлган хавфсиз майдондаги икки оқ чизик беллашувни бошлаб ва тугатиш майдончаларини белгилайди. Бу чизиклар иш зонасига чизади ва бир биридан 5 мга белгилайди. Узоқликда бўлиши керак.

4. Кураш гилами юмшок ҳолда ёки махсус платформада жойлашиши унинг атрофида 1м дан кам бўлмаган бўш майдон бўлиши шарт.

Ҳозирда Республикамизни барча вилоятлари аҳолиси орасида кураш шу даражада ёйилганки, у сиз ҳеч бир йигинни тассавур қилиб бўлмайди. Биринчи маротаба Ўзбекистонда 1998- йилда Ҳалқаро Ассоциация курашни руйхатга олди. Кураш - ўзини кучда, чакқонликда, зехнда синаш дегани. Уларни хакам ва мухлислар кузатиб туради.

Шу туфайли ишлаб чиқарилган. Ҳалқаро Кураш қоидаси қиска вақт ичида кураш мутахассисларига, мураббийларга, хакамларга, энг асосий кураш мухлисларга ва халқ оммасига мақул бўлди. Булардан ташқи, давра кураши анъаналарини эътиборга олиб спорт тарихида 1-маротаба кураш қоидасида 36-65 ёшгача ва ундан катта ёшдаги палвонлар вазн тоифалари киритилди. Бу эса курашимизнинг обрў эътиборини жуда хам кўтариб юборди. Чунки 35-40 дан катта ёшдаги палвонлар курашдан умидларини узгандилар. 1998-йил 6-сентябр санасини Ўзбек курашининг тарих саҳифалариги оламшумул воқеа юз берган кун сифатида зарҳал харфлар ила битилади. Лотин Америкаси Европа ва Осиё каттасни 28 давлатидан келган вакиллари иштирокида Тошкентда бўлиб ўтган таъсис конгрессида Ҳалқаро Кураш Ассацасиаси (ХКА) тузилганлиги халқимизнинг миллий қадрияти " Ўзбек кураши" номи билан жаҳон майдонига чикканлиги эътироф этилди. Курашнинг жаҳонга юз тутишини хар тамонлама қуллаб қуватлаган Президентимиз Ислон Абдуганиевич Каримов Ҳалқаро Кураш Ассацасиасининг доимий фахрий Президенти этиб сайланди шу конгреснинг ўзида ХКАнинг ижройи кўмитаси ташкил қилинди. Ҳалқаро мусобақалар ХКА раҳбарияти Ҳалқаро Олимпияда Кўмитаси ,Спорт ташкилотлари, Бош ассацасия ,Осиё Олимпия кураши, Жанубий Америка спорт ташкилоти ва бошқа халқаро спорт ташкилотлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш учун мунтазам иш

олиб борилмокда. Ўзбек курашининг қоидалари бир овоздан мақулланди ва К.Юсупов Ассацасия Президента этиб сайланди. Ҳалқаро кураш тузилимаси ташкил этилди ва доимий фаолият олиб бормокда. Ҳалқаро Кураш Ассацасиясининг юқори органи бўлмиш ижроия қўмита ўтган давр мабойинида тўла шаклланди ва мунтазам иш олиб бормокда. 15 кишидан иборат қўмита ўзида Ўзбекистон, Жанубий Африка Республикаси (ЖАР) Болгария, Хиндистон янги Зилландия Полша, Венгрия, Туркия, Эрон ва Недерландиядан иборат 10 та давлат вакиллари бирлаштирилган. Булар ўз исботини мусобақаларда топиб келмокда. Кураш буйича биринчи мусобақа 1999-йил 1-2 май ойида бўлиб ўтди. Иккинчи чемпионат дунё бўйича Анталияда, учинчи чемпионат Венгрияда 2001-йилда, тўртинчи чемпионат Арманистон пойтахти Ереванда 2002-йилда бўлиб ўтган. Дунё тарихи солномасига кураш бўйича бизнинг ўзбеклардан бир қанча мард ўғлонларимизнинг номи зарҳал харфлар билан битилган. Булар: Тоштемир Мухаммадиев, Камол Муродов, Ақобир Курбонов, Махтумқули Махмудов, яна дунёнинг икки кара чемпиони Баҳром Авазов, Шухрат Хужаев, Ботир Хўжаевлар. Шунинчиси билан таъкидлаш керакки, кураш Осиё ўйинлари сарасига киритилган. Бундан ташқари, Буюк Британия Президентининг ташаббусига биноан кураш федерацияси Бедфорд шаҳрида хар йили Ислом Каримов турнири ўтказлади. Бу турнир 2000 йилда ўтказилди, бизнинг спортчилардан купчилиги катнашдилар. Улар 3 та олтин, 1 та кумуш, 1 та бронза медал олдилар. Айниқса, кизларимиздан Феруза Ноиметова ғалаба қозониб, ўзининг Тўмарис авлодидан эканлигини исботлади. Ўзининг Барчиной келбатли эканини кўрсатиб қуйди. Бундай дов юрак ўғил ва қизлар ўзга юртларда давлатимиз байроғини баланд кўтардилар. Мадҳиямиз садолари остида юраклари титраб, кўзлари тўла ёш билан мағрур турардилар. Улар билан фахрланардик ўшанда. Миллий курашимиз Жаҳонда тезлик билан ўз ўрнига эга бўла бошлади. Бир маротаба кўрган тамошабин-у палвонлар бу кураш қоидаларини осонгина ва тез ўзлаштириб оладилар. Ўзбек миллий кураши ҳозирда жаҳонга тезлик билан чиқиб бормокда.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Нуриев Р.И. Миллий кураш бўйича дастур, 2000 йил
2. Абдурахимов Ф.А. “Миллий курашларни тайёрлаш” , Ташкент, 2000 йил
3. Косимов Н.А. “Футбол” Мусобака қоидалари, Фарғона, 1998 йил.
4. Нуритдинов Е.Н. “Жисмоний маданият ва спортни ривожлантиришнинг долзарб муамолари” Самарканд, 2000 йил.
5. Нуритдинов Е.Н. “Футбол тарихи” Ташкент, 2000 йил